



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 4 июль, № 133 (4796)

Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 3 июль куни Оқсаройда Испания Кироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Испания муносабатлари ривожланиб бораётганини, жорий йил май ойида Мадридда Кирил Хуан Карлос билан учрашув чоғида ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Испания халқларининг алоқалари узок тарихга эга эканини таъкидлаш жоиз. Олти аср муқаддам Амир Темур саройида испаниялик Руй Гонсалес де Клавихо элчи бўлган. Соҳибқирон эса Мухаммад ал-Қозийни Испанияга элчи этиб тайинлаган. Бир неча асрлик маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар бугун замон руҳида янгича асосда ривожланмоқда.

Ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Парламентлар, омуьдсманлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилишини қайд этиш ўринлидир. Мамлакатимизда «Texkominvest»

(савдо), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maxam Central Asia», «Maxam Uzbekistan» (кимё sanoati) каби қатор Ўзбекистон — Испания қўшма корхоналари фаолият алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Испаниянинг «Preparado Alimenticios» (озик-овқат sanoati), «Atlas Consorcio» (муқобил энергия технологиялари) сингари йирик компаниялари ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоявий шерикларидан. Икки мамлакат компаниялари ва банклари ўзаро ҳамкорликда тиббиёт, инфратузилма ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. 2000 йилда «Клавихо — Амир Темур» Испания — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси тuzилган. Мазкур уюшма билан ҳамкорликда 2004 йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темур давлати билан Испания Қўроллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Барселонада Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асарини испан тилида нашр қилинди. 2008 йил июнь ойида Испания Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар бўйича институти («Casa Asia») делегацияси Ўзбекистонга келди. Ушбу ташрифдан қўзланган мақсад маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, кўргазма, конференция ва семинарлар ташкил этиш орқали Испанияда ўзбек халқининг маданий-маънавий меросини тарғиб қилиш имкониятларини кўриб чиқиш, олий ўқув юрталари ўртасидаги бевоcита алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишдан иборат эди.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Корхона фаолияти кенгаймоқда

Кўзон шаҳридаги «Имоно-Групп» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ.

Хорижнинг илгор технологиялари билан жиҳозланган мазкур корхонада, асосан, эраклар ва болалар пойабзаллари ишлаб чиқариларди. Яқиндан бошлаб корхонада металлургия, тоғ-кон sanoati ходимлари учун устки қисми металл билан қопланган махсус пойабзаллар тайёрлаш йўлга қўйилди. Импорт ўрнини босувчи ушбу махсулотнинг афзаллиги шундаки, у электр токни ўтказмайди, шунингдек, турли тоғ жинслари зараридан ҳимоя қилади.

Корхона Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» АИБ сингари бир қатор sanoat корхоналарига махсус пойабзаллар етказиб бермоқда. Айни пайтда бу ерда юз нафардан зиёд йигит-қиз меҳнат қилаётир.

Д. МАҚСУДОВА.

Ҳам меҳнат, ҳам амалиёт

Яқинда минг нафарга яқин жиҳазлик талабалар қурилиш ишларида жалб қилинди.

Ёш оилалар қувончи

Умумий майдони 4348 кв.м. бўлган ушбу турар-жойлар «Ўзметкомбинат» АИБда меҳнат қилаётган ёшлар учун қисқа муддатларда қуриб битказилди.

Уй атрофи ободонлаштирилиб, болалар учун майдонча, дам олиш хиёбони ҳам қурилди. Ўзбекистон томони шундаки, ёш оилалар унинг ўн қозни микродоридаги бадални олдиндан тўлабди ва қолган қисми ўн беш йил давомида уларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тўрткўлда ижодиёт маркази

Тўрткўл туманида йўқчилар ижодиёт маркази иш бошларди.

Янги муассасанинг ишга туширилиши муносабати билан уюштирилган тадбирда тумандаги фаол ўқувчиларга эсдалик совғалари, ижодиёт марказига эса компьютер, телевизор, мусиқа асбоблари ва тўғарақлар учун зарур жиҳозлар топширилди.

Айни пайтда марказда 36 та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Уларда 560 нафар ўғил-қиз тажрибали мутахассислар қўл остида амалий машғулотларда қатнашмоқдалар.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Музей грант соҳиби

Бухоро давлат бадий-маърифатлик музей-қўриқонаси Ялмухаммад 231 миллион 864 минг сўмлик грантнинг ҳўлғаси қилди.

Яқинда ушбу маблағ ҳисобидан мазкур муассасага Германияда ишлаб чиқарилган махсус витриналар келтирилди. Табiiйки, бу замонавий жиҳозлар ҳаво ҳароратини муътадил сақлайди ҳамда нобъ экcпонат ва қўлғемаларни намойиш этишида қўлайлик яратарди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИСПАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладигани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон ва Испания ўртасида савдо, иқтисодиёт, маданият, фан-таълим соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани бизни гоят қувонтиради, — деди М. Моратинос. — Ташриф доирасида ўтказилган музокаралар мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Учрашувда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Ўзбекистон — Испания бизнес-форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, энергетика, банк-молия, қурилиш, вагонсозлик, кимё, ахборот технологияла-

ПАРЛАМЕНТАРИЗМNING РИВОЖЛАНИШИ — ДЕМОКРАТИЯ ОМИЛИ

Тошкентда 1-2 июль кунлари «Сайловлар ва замонавий парламентаризмнинг ривожланиш масалалари: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақавий тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси ва Ф. Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Конференцияда Марказий Осиё давлатлари, Бельгия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Украина, Франция, Япония давлатларининг экспертлари ва мутахассислари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистонда бўлиб ўтadиган сайловлар — мамлакатнинг демократлашуви, давлат ва жамият қурилишининг навбатдаги bosқичидир, — деб таъкидлади ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель. —

Мазкур конференция сиёсий маданият ривожланиши, фуқароларнинг сиёсий ва давлат бошқаруви жараёнида иштирок этиши, янги демократиялар ривожланиши истикболлари бўйича тажриба ва фикр алмашиш имконини беради».

Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар тизими, изчил ва ўзаро узувчилик характериға эға, деб таъкидланди конференцияда. Мамлакатимизнинг янги демократик давлат ва жамиятни шакллантиришдаги, энг аввало, ижтимоий-сиёсий қурилиш, давлат ҳокимияти тизимининг бўлини-

ши соҳасидаги ютуқлари, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва бошқа соҳалардаги кенг қўламли ўзгаришлар Ўзбекистоннинг иқтисодий жадал ривожланишида, халқ турмуши ва фаровонлиги юксалишида ўзининг бевоcита ифодасини топомқда.

«Les milleux des Empriges» француз электрон нашрининг бош муҳаррири Сильвик д'Изари таъкидлаганидек, «Ўзбекистонда амалга оширилган энг изчил ислохотлар парламент фуқаролик жамиятиға хизмат қиларди» деганини тўғрисидаги фикрнинг далилидир. Ўзбекистоннинг ҳозирги парламенти фаолияти халқаро ҳам-

жамият томонидан юкори баҳоланмоқда. Бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган, янги қонунлар қабул қилинган, сайловларга оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис мамлакатда фуқароларга ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатловчи аниқ юридик механизм яратилган. Бошқача айтганда, амалдаги қонунлар мажмуи сиёсий ранг-баранглик, фикрлар плуралиزمини таъминловчи муваффақиятлар гаровидир. Сиёсат ва иқтисодиёт ўзаро боғлиқ. Шу муносабат билан Президент Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баратараф этишининг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури бошқа мамлакатларга намуна бўлиб хизмат қилади».

(Давоми 2-бетда).

ИЛГОР ТАЖРИБА — ҲАММАМИЗНИКИ!

Президентимиз Ислон Каримов Наманган вилояти фермерлари билан мулоқотда бўлган чоғида «Фермер фаолияти факат галла ёки пахта махсус таълим вазирликларида ҳам музокара ўтказдилар.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

қиллоққа sanoatни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Жумладан, чорвачилик — суратдорам соҳалардан бири. Бу соҳани ривожлантириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш орқали даромадини бир неча ҳисса орти-

риш мумкин. Бу нафақат ички бозор талабларини қондириш, балки

Дил сўзи

мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш имконини ҳам

беради», дея алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ана шу тақлиф ва маслаҳатлари нечоғли асосли эканлигини бизнинг кўп тармоқли фермер ҳўжалигимиз фаолияти ҳам яқоқ тасдиқлаб турибди. Гап шундаки, 189 гектар еримиз бор. Шундан 30 гектарид

(Давоми 2-бетда).

галла, 23 гектарид пахта, 76 гектарид эса чорва учун озуқа этиштирамиз. Ҳар йили галла ва пахтадан мўл ҳосил олишга эришяпмиз. Масалан, жорий йилда гектар ҳисобига 60 центнердан, жами 180 тонналик галла хирмони уйдик. Унинг 112 тоннаси шартнома асосида давлатга сотилди, қолган 68 тоннаси эса жамоамизга қолди.


(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ишсизликнинг

«қора олтин»га таъсири

Жаҳон бозорларида ўтказилган сўнги савдолар чоғида нефть нархи яна сезиларли даражада пасайди.



Жумладан, «WTI» типидagi «қора олтин»нинг бир баррели 2,58 АҚШ долларига арзонлашган ва 66,73 АҚШ долларидан сотилган.

Мутахассисларнинг сўзига кўра, «қора олтин» қийматининг пасайишига АҚШ ҳукумати томонидан мамлакат меҳнат биржасининг аҳоли тўғрисида эълон қилинган маъруза сабаб бўлган.

Шаҳарда

қўпоровчилик

Греция пойтахти Афина шаҳрида учта портлаш амалга оширилди.

Бу ҳаракатлар шаҳардаги маъмурий бинолар олдидан содир этилган. Жумладан, биринчи портлаш Греция олий суди ёнида юз берган бўлса, орадан бир оз ўтиб, Давлат Миграция сисёсати муаммолари институти рўпарасида ҳам қўпоровчилик кузатилган.

«Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари таҳминига кўра, мазкур қабиҳликлар анархистлар гуруҳи томонидан содир этилган бўлиши мумкин.

Ҳарбий амалиётлар давом этмоқда

Покистон ҳукуматининг маълум қилишича, АҚШнинг учувчисиз бошқариладиган самолётлари ушбу мамлакат ҳудудида навбатдаги ҳарбий амалиётларни олиб борган.

Шимолӣ Вазиристон музофотида ўтказилган «тозалаш» ишлари чоғида «Толибон» жангариларига тегишли маконларга бир нечта зарба берилган.



Покистон ҳавфсизлик хизмати ҳарбий самолётлар Шимолӣ Вазиристонда икки бор ҳаводан зарба берганини қайд этган. Қурбонлар ҳақида эса маълумот келтирилмаган.

Автобуслар тўқнашиб кетди

Перуда йирик йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди, дея хабар тарқатди «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги.

Бу ерда икки автобуснинг тўқнашиб кетиши натижасида 23 йўловчи ҳалок бўлган, 31 нафари тан жароҳати олган.

Ма-қарши йўналишига чиқиб кетиши ана шу муҳдиҳи воқеага олиб келган.


Катта саккизликми, ё йигирмалик?

Германия канцлери Ангела Меркель мамлакат Бундестагининг навбатдаги йиғилишида «Катта саккизлик»(G8) атамасини «Катта йигирмалик»(G20)ка алмаштириш таклифини билдирди.

Канцлер бугунги кунда жуда долзарб ҳисобланувчи жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз, об-ҳавонинг ҳаддан зиёд исиб кетиши каби масалаларни фақат «Катта саккизлик» мамлакатлари билан ҳал этиб бўлмаганини таъкидлаган.

Динозаврлар мамлакатни

Австралиялик палеонтологлар мамлакатда номаълум турга мансуб бўлган учта динозавр қолдиқларини топди.



«BBC News» ахборотига қараганда, бу тадиқот кейинги йиллардаги энг жиддий топилма, дея эътироф этилган.

Гайретабиий вирус муҳокамада

Мексиканиннг Канкун шаҳрида жаҳоннинг эллиқдан ортқ мамлакатлари соғлиқни сақлаш вазирлари иштирокида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан жаҳонда кенг тарқалаётган А/Н1Н1 вирусининг олдини олиш йўллари ҳақида сўз борди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз тобора чуқурлашиб бораётган, бу жараён, ҳатто, етакчи компанияларни мушкул аҳволга солиб қўётган бир пайтда юртимизда ишлаб чиқариш суръатлари мароми сақланаётгани, жойларда замонавий корхоналар барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилаётгани кувонарлидир.

БАРҚАРОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ МЕЗОНИ

Давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарига, жумладан, шундай сатрлар бор: «Жаҳон бозорларида талаб пасайиб бораётган бир шароитда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда фоят муҳим аҳамиётга эга».

Корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилгани Андижон шаҳридаги «Текстиль Марказ» корхонасига жорий йил давомида 3 миллион сўмдан зиёд маблағни тежаб қолиш имконини беради.

697 минг сўм, «Алёртекс» қўшма корхонаси ҳисобида эса 160 миллион 400 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Жараён

Маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун, табиийки, ишлаб чиқариш жараёнини янгилаб бориш зарур.

жата ҳўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуриламал бўлмоқда.

лиқда корхоналарни янада ривожлантиришда қўшимча мадад бўлаётир.

минг 800 сўмлик гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, унга 9 миллион 211 минг 500 сўм ягона солиқ тўлови ҳисобланган эди.

Тўғарақларга компьютер жамланмалари

Жиззах вилоятидаги 295 та маҳалла фуқаролар йиғини қошида ёшларни касбга ўргатиш тўғарақлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оқик аукцион савдосига таклиф этади!

Учкўприк туманидаги «Ҳакимбой» фермер ҳўжалиги раҳбари Ш. Ҳакимов паррандачиликдан келадиган даромадининг чўғи юқори эканини чамалаб кўрди-ю, бор маблағига ихтисослашган мажмуа қурди.

ХАЗИНА КАЛИТИ — ФЕРМЕР ҚЎЛИДА

Хозир барча жараёнлар автоматлаштирилган мажмуада 20 минг дондан зиёд парранда парвариш қилинапти.

Ибрат

Кувонарли-си, бундай фермерлар сони тобора кўпаймоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Фаргона вилоятида паррандачиликни ривожлантириш бўйича талайгина ишлар амалга ошириляпти.

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК 2009 йил 1 июлдан бошлаб электр энергияси тарифлари ошганлигини маълум қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 2009 йил 29 июндаги 19-03-22-05-ЎзР-26-2009-сонли реестри

ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА! «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕЙШНЛ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси имтиёзли тарифлар асосида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув

Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламанинг булиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси собиқ вазири Эркин Турдиевич ШАЙХОВНИНГ вафоти этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



18 йил... Мустақиллик байрами олдидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимиз бўйлаб «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» мавзусида ёшлар марафонини ўтказмоқда.

ЁШЛАР МАРАФОНИ

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, ёшларни она-Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг тафаккури ва дунёқаролини ўстириш, юртимиздаги тарихий қадимжолар, осорию атоқлар билан таништиришдан иборат.

Марафон иштирокчилари икки кун мобайнида Сирдарё вилоятида бўлиб, бу ердаги тарихий жойлар билан танишдилар. Сайхунобод тумани ҳудудидаги Саритөпа, Қиндиктепа, Чиннитепа сингари ёдгорликларни зиёрат қилиб, уларнинг тарихини ўргандилар. Умуман бу тепаликлар қаровон йўлида маёқ ва бошпана вази фасини ўтаган. Шунингдек, қатнашчилар истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Гулистон давлат университети талабалари билан бўлган учрашув кизиқарли ўтди. Университет қошидаги Ёшлар маркази фаолияти ҳамда Ўлкашунослик музейи экспонатлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Мазкур тадбир истиқлол йилларида мамлакатимиз кўлга киритган ютуқларни тарғиб қилиш, ёшларни аждодларимиздан мерос тарихий ёдгорликлар билан таништириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса бўлади.

Д. ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири.

Мамлакатимизда ҳозир энг чекка қишлоқларда яшовчи ўғил-қизлар ҳам ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланиш имконига эгалар. Қорақўллик Миржон Тўхтаев ана шундай ёшларнинг бири. Миллий курашга иштиёқ уни тумандаги 5-ихтисослашган спорт мактаб-интернатига бошлаб келди.

ШОҲСУПА САРИ ЙЎЛ



Бундан саккиз йил муқаддам иш бошлаган мазкур спорт мактаб-интернати ёш авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш, миллий кураш ва дзюдони ривожлантириш, иқтидорли спортчилар тайёрлашда аллақачон ўз ўрнини топиб улгурди. 1992-93 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида олтин медални кўлга киритиб, олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлди.

моқда. Шу мактаб ўқувчиларидан Муҳиддин Очилов Россиянинг Тверь шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жaxon чемпионатида биринчи ўринни, Нурбек Арашев эса Эронда кураш бўйича ўтган Осиё чемпионида фахрли учинчи ўринни эгаллаганини эслаш кифоя.

— Эришилаётган ютуқларда Хўжаниёз Остонаев, Охун Самандаров каби тажрибали устозлар қаторида улар изидан бораётган Азиз Санакулов, Феруз Самандаров, Шўҳрат Бобоев сингари иқтидорли ёш мураббийларнинг ҳиссаси бор, — дейди спорт мактаб-интернати ди-

ректори, кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, фахрийлар ўртасида жaxon чемпиони Мэлс Адизов. — Биз ўқувчиларни ўқишга қабул қилаётганда уларнинг иқтидори ва лаёқатига алоҳида эътибор берамиз. Боладаги истеъдодни юзга чиқариш масъулияти зиммамизда эканини асло унутмаймиз.

Ана шундай ёндашув ютуқлар калити бўлаяпти. Машгулотлар эса авжда. Сардор Қурбонбоев, Лазиз Рўзиқулов, Фаррух Адизов, Нурмухаммад Адизов сингари ёшлар бўлгуси мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўришмоқда. Шоҳсупага йўл машаққатли машгулотлардан бошланишини улар яхши билишади.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Осиё ўйинларидаги навбатдаги медал

Сингапурда ўсмирлар ўртасида давом этган I Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз навбатдаги медални кўлга киритдилар.

Кеча энгил атлетиканинг уч хатлаб сакраш баҳсларида 14 метру 59 сантиметр натижага эришган вакилимиз Руслан Қурбонов бронза медални билан тақдирланди.

Эслашиб ўтамиз, ушбу нуфузли мусобақадаги дастлабки бронза медалга яна бир энгил атлетикачимиз Светлана Прошкина сазовор бўлган эди.


З. ЖОНИБЕКОВ.

Мамлакатимизда спортга берилган эътибор туфайли нафақат шаҳарлардан, балки олис қишлоқлардан ҳам юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қиладиган иқтидорли ёшлар етишиб чиқмоқда.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

Фарзандлари соғлом юртнинг келажиги ёруғ, эртаси фаровон бўлади. Шу маънода Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар саломатликкед бебаҳо бойлики асраб-авайлаш, халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва энг муҳими, ақлан ҳамда жисмонан етук авлодни камол топтиришдек эзгу мақсадга ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир.

Республика Перинатал марказида ҳам ҳомиладор аёллар ва янги туғилган гўдаклар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилади. Марказда ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан организи аниқланган, муддатидан аввал туғурук хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парвариланади. Шунингдек, эрта туғилган чақалоқлар парвариланади. Шунингдек, эрта туғилган чақалоқлар парвариланади. Шунингдек, эрта туғилган чақалоқлар парвариланади.



Тиббиёт

рининг реаниматология соҳаси мутахассислари учун ўқув маскани вази-фасини ҳам бажаради, — дейди марказ директори ўринбосари Саида Ҳасанова. — Чунки бу ерда реанимацион маслаҳат


даги мутахассисларга бемор парвариши борасида зарур тавсиялар берилди. Қолаверса, шифокорларимиз вилоятларда бўлиб, «Соғлом она — соғлом фарзанд» шиори остида мутахассислар учун семинар-тренинглар ташкил этишмоқда, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказишмоқда.

Шифокорлар тавсиясига кўра, ҳомиладор аёл туғуруқкача бўлган даврда етти бор, зарур бўлганда ундан ҳам кўп марта шифокор кўригига бориши лозим. Негаки, камқонлик, йод етишмаслиги, буйрак хасталиқлари ҳамда экология билан боғлиқ бошқа касалликлар ўз вақтида аниқланиб, даво чоралари қўлланилиши туғилмак фарзанд жисмонан бақувват, руҳан соғлом бўлишининг кафолатидир.

бригадаси туну кун иш олиб боради ва ҳудудлар-

Кувонарлиси, бугунги кунда кенг жамоатчилик орасида тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаётганлиги боис бундай хасталиклар билан боғлиқ муаммолар кеч бўлмасидан бартарараф этилиб, оналар ва болалар ўлимнинг аввалги йилларга нисбатан камайишига эришилмоқда.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Қишлоқдан чиққан чемпион

Яқинда пойтахтимизда таэквондо (ВТФ) бўйича ўтказилган Марказий Осиё очик чемпионатида Эллиқалъа туманида яшовчи Қосим Урганчбоев ўз вази тоифасида олтин медал соҳибига айланди. Шу туманда яшовчи Ерсултон Алламбергенов эса кумуш медал билан тақдирланди.

Албатта, уларнинг бундай муваффақиятга эришишида Бўстон шаҳрида фаолият кўрсатаётган таэквондо клубининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда мазкур клубда 200 нафарга яқин эллиқалъалик ёшлар тажрибали мураббийлар қўли остида машгулотларда қатнашмоқдалар. Эътиборлиси, ушбу яккакураш спорт турини жажжи болакайлар ҳам севиб ўрнашмоқда. Тумандаги «Кўёш» мактабгача таълим муассасаси қошида клубнинг бўлими фаолият бошлагани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чавандозлар баҳси

Пойтахтимизда ўн саккиз ёшгача бўлган спортчилар ўртасида от спорти бўйича ўтказилган республика биринчилиги мусобақаларида Намангандаги болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби тарбияланувчилари муваффақиятли иштирок этишди.

Жумладан, мохир чавандоз Владимир Шмелёв бирданига иккита медални кўлга киритди. У баландликдан тўсиқлар оша ўтиш баҳсида «Колваро» лақабли оти билан маррага энг кам жарима очкоси билан етиб келиб, олтин медалга сазовор бўлди. «Форджун» лақабли тулпарид эса кумуш медал шартини бажарди. Унинг мактабдоши Комил Матмусоев мусобақанинг бошқа бир шартини бундай қолибликни эгаллаб, жамоанинг олтин медалини яна биттага кўпайтирди. Умуманмоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Наманганлик ёш чавандозлар-



нинг чемпионатида кўлга киритган медаллари олтигани ташкил этди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойдеворга ёпишиб кетган сўнгги гишларнинг кўчили қийин кечди. Лекин ака бор кучи билан уларни кўпоришга уринар, дераза ойнаси қўлини кесиб, олган жараҳати жонига азоб бераётган ука эса оёғи билан тепкилаб гишларни жилдиришга тиришаркан, боғининг четига тулға кўмилиб турган дарахтдан кўзини узолмасди. Кутилмаганда қаттиқ шамол туриб, жала қуя бошлади, қўллари тупроқ билан

цементга қоришиб, ҳатто бармоқларининг учлиридан тирқираб қон қаётганини сезмаган ака ҳам, олмини қаллақлаб кетишнинг қайғусини чекаётган ука ҳам бекинмоққа пана тополмай дилдираб қолишди. Кетайлик дейишса, икки ёнда уйлиб ётган синигу бутун гишларни бир-бирдан қизғанишади. Турайлик дейишса, ёмғир тинадиган эмас. Оғаларининг ҳаракатларини кўзлари жиққа ёшга тўлганча дарвозаси тирқийшдан кузатиб турган сингил эса...

ИНСОФДАН АЙИРМАСИН

Чолининг чирогини ёқиб ўтирган кампир вафот этди-ю, уларни йилда бир сўроқламайдиган ўғилларнинг ичига ўт тушди. Маъракалар ўтар-ўтмас, улар оталаридан қолган ҳовлига қандай қилиб эгаллик қилиш ташвишини чека бошладилар. Аввали кўнгилларида кечиб, сўнг ўз оилалари «муҳокама»сидан ўтган бу ният, кўп ўтмай, юзлардаги пардани ҳам сидириб ташлади. Энди оға-инилар ошқора тарзда мулк талашига киришди. Кўнига онаизорига насиба ажратиб йўқлаб турган, иссиқ-совуғига яраган қиз эса номусларга чидабмай, гоҳ у акаси, гоҳ у акасини илтижо қиларди. Катта-кичининг насихатлари қор бермади. Охири иш шу даражага бориб етдики, ўғиллар ўзларининг болалиги ўтган, ота-онасининг пешона тери билан қурилган уйни бузиб, охири гиштигача бўлиб олиб кетишди. Энг ёмони, ўртадаги ака-укалик ришталари ҳам чирт-чирт узилди... Бу ҳаётини бир мисол. Лекин афсуски, бундайин тафсилотлар кўпчилигимизга бегона эмас.

— Мерос масаласидаги ишлар қўрилаётганда, ўзбекона гурур, ориятдаи хислатларга путур этаётгани-

дан кўнглимда гашлик сезаман, — дейди ҳуқуқшунос Ўктам Аҳмедов. — Рўзгори бузилаётган отанинг кўзига жавдираб қолаётган болалари эмас, хотини билан биргаликда курган ёки сотиб олинган уй-жойларини сақлаб қолиш дарди кўрилади. Бу ният уни мулкни бошқа қўришдек ноҳушлик томон етказмайди. Баъзан, аксинча аёли шу йўсин иш тутишга тиришади... Қачонларидир ота-онасининг уйига рўйхатга қўйилиб, аслида, бошқа жойда яшаётган фарзандлар кун келиб шу уйда истиқомат қилиб, кексаларнинг дусини олиб қолган оғаниларига меросхўрлик даъвоси билан чиқушади. Оқибатда она-сингил, ака-ука, овсини кўвлар бир-бири билан юз кўришмас бўлиб кетишади.

Бу гапларни тинглаб беихтиёр хаёлга толасан, киши: биз маънавий ҳақдорлик ҳусусида уйлаб кўра-мизми ҳеч? Ҳўш, фарзанд сифатида ота-онамиздан қолган мулкка шерикдиримиз. Лекин қайси ҳизматларимиз учун? Агар улар ҳаёт бўлганларидея бундайин нодонликларни кечиришармиди? Аслида ота-онани нимагадир эга бўлмоқ тама-

ниқ қолган ота-она райий билан ҳисоблашиш талаби ҳам туғилади. Катта фарзандлар эса бу билан ўзларича таскин топишса-да, йўқловларни қанда қилишмайди. Элимизнинг одадига кўра, кенжага нисбатан «қўлда қоладиган», «онасини асрайдиган» иборалари ҳам ишлатилади. Демак, ана шу аъёнанинг ўзи мулкий нисоларга маълум маънода барҳам беради. Лекин «кенжа» бўла оlishга муносиб-лик ҳам осон эмас. Яна бир гап: киши оғриган бармоғини авайлайди, деганларидей, баъзан ота-она «қўли қалтарок» боласига кўпроқ илтишолади. Ҳар не бўлганда ҳам улардан қоладиган моддий мерос ўзлари қандай ният қилган ёхуд кўнглиларидан кечирган бўлсалар, шундайин, ҳеч бир ортиқча гап-сўзларсиз эгаларини топмоғи жонизки, бу ризоликнинг шарофатлари ҳақида тўхталиб ўтиш шарт эмас, деб уйлаймиз.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг «Сади Искандарий» достонида шох Искандар тилидан кўнглидагилар баён этилади: "...мени тобуга ётқизган пайтингизда, ёқут тешигидан ипни чиқазиб қўйилганда киши, албатта, бир қўлимни тобу-

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 02.00 Топширилди — 03.50

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов, Навбатчи муҳаррир — А. Каримов, Навбатчи — З. Худойшукуров, Мусахҳас — Ҳ. Тошқужаев.

1 2 3 4 5 6 7 8 9